

МАШХУР ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИДАН НУСХАЛАР КЎЧИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-6-477-485>

Бобомуродов Зиёдилла Рустамович

Тошкент Архитектура-қурилиш институти
“Тасвирий санъат” кафедраси мудири, доцент

АННОТАЦИЯ

Тасвирий санъат бўйича таълим оладиган бўлгуси рассомларнинг кундалик фаолиятларида шу соҳани пухта ўрганишга бўлган интилиш асосий омиллардан ҳисобланади. Бу ўз навбатида улардан ўз иш тажрибаларини янада бойитиш, малакаларини ўстириш бўйича қўшимча манбаълардан фойдаланишлари лозимлигини талаб этилади. Айниқса қадимги рассомларнинг ишлаш усуллари ва методларини астойдил ўрганиш ўз навбатида бўлажак рассомларнинг тажрибалари ва малакаларини янада такомиллаштириш ҳамда мустақамлашда катта аҳамиятга эгадир.

Калит сўзлар: Натюрморт, жанр, нусха кўчириш, таълим жараёни, тафаккур, композиция, рассом, тафаккур, этюд, дидактик имкониятлар, ижодий фаолият.

АННОТАЦИЯ

Одним из главных факторов повседневной деятельности будущих художников, изучающих изобразительное искусство, является стремление досконально изучить эту область. Это, в свою очередь, требует от них использования дополнительных ресурсов для дальнейшего обогащения своего опыта работы и повышения квалификации. В частности, большое значение в дальнейшем совершенствовании и укреплении опыта и навыков будущих художников имеет тщательное изучение методов и приемов древних художников.

Ключевые слова: копирование, учебный процесс, человеческое мышление, композиция, художник, созерцание, этюд, дидактические возможности, творческая деятельность, этюд, будущий художник.

ABSTRACT

One of the main factors in the daily activities of future artists studying fine arts is the desire to thoroughly study this area. This, in turn, requires them to use additional resources to further enrich their work experience and skills. In particular,

a thorough study of the methods and techniques of ancient artists is of great importance in the further improvement and strengthening of the experience and skills of future artists.

Keywords: *copying, educational process, human thinking, composition, artist, contemplation, study, didactic possibilities, creative activity, study, future artist.*

КИРИШ

Қадимдан машҳур рассомларнинг асарларидан нусха кўчириб ишлаш ва шу тарзда ўз тажрибаларини янада бойитиш азалий одатлардан ҳисобланган. Ҳозир-чи?

Тасвирий санъат билан астойдил шуғулланадиган ҳаваскор рассомлар кўпинча устозларига шундай саволни беришади: машҳур рассомларнинг асарларидан кўчириб чизиш мумкинми? Шу шартми? Бунинг зарарли жиҳатлари йўқми? Одатда нусха кўчириш ва у билан шуғулланадиганлар борасида ҳар хил фикрлар юради. Чунки “кўчирувчи” сўзи кишида қандайдир қарама қарши ҳисларни, тушунчаларни уйғотади. Гўё кўчирган киши доимо шу иш билан шуғулланадигандек таассурот қолдиради. Шу ўринда қадимги замон ва ҳатто ҳозирги замон рассомларининг катта шухрат қозонган асарларидан нусха кўчириш албатта керак. Бу ўқувчиларнинг тасвирий санъат борасидаги билим, малака ва тажрибаларини янада бойитишда катта аҳамиятга эгадир.

Тарихдан шуниси маълумки, қадимги тасвирий санъат усталарининг машҳур асарларидан нусха кўчириш билан азалдан бери шуғулланиб келишган. XIV асрда яшаб ижод қилган Ченнинио Ченнини ҳаваскор рассомларга қарата “Доимо меҳнат қил ва буюк усталарнинг энг яхши сара асарлардан нусха кўчиришдан завқлан” дея хитоб қилган эди.

Эрта Уйғониш даврида бундай метод анъанага айланди. Биз ҳатто энг қадимги машҳур рассомларнинг ҳам нусха кўчириш билан шуғулланганликларидан дарак берадиган далилларни шу вақтгача сақланиб келинаётган уларнинг ана шундай ишлари намунасидан топишимиз мумкин. Масалан, А. Дюрер ёшлигида Мантеньнинг гравюраларидан нусха кўчирган. Париждаги Лувр, Петербургдаги Эрмитажда, шунингдек бошқа таниқли музейларда ҳам Рубенснинг Микеланжелло Буараноти, Рафаэло Санти, Караваджо, Леонардо да Винчи, Корреджо, Жулио Романо каби машҳур рассомларнинг асарларидан кўчириб ишлаган асарлари ҳамон сақланиб келинмоқда.

Бу нусхаларда – улар тугулланган ёки тезгина ишланган эскизлар сифатидами, барибир Рубенс антик санъатни, Уйғониш даврини, асарлардаги

драпировкаларнинг кўринишларини, инсон таналарининг тузилиши ва ҳаракатларини ўрганган. Шунингдек, машҳур рассомлар ва ҳайкалтарошлардан О. Ренуар, Э. Дега ҳамда Эдуард Манеларнинг кўчириб ишлаган асарлари ва расмларидан кўплаб нусхалар сақланиб қолган. Машҳур усталарнинг буюк меросларида унутилмас лаҳзалар ҳамон яшаб келмоқда. Масалан, Энгер 87 ёшида Джоттонинг гравюраларидан кўчириб чизган ва “Нега бундай қиласиз” деган саволга, “Албатта ўрганиш учунда” деб жавоб берган экан.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Умуман олганда нусха кўчириш билан бошқа мамлакатлардаги машҳур ва ҳаваскор рассомлар, уларни тайёрловчи таълим даргоҳлари ҳам шуғулланиб келишган. Россияда XVIII асрда Бадиий Академия очилиши биланоқ нусха кўчириш таълим жараёнига тадбиқ этилган эди. Шуниси диққатга сазоворки, унда машҳур рассомларнинг гравюраларидан, қаламтасвир ва рангтасвир асарларидан нусха кўчириш қатъий тартибда амалга оширилгандир. XIX асрда ҳам бу анъана давом этиб келган. Масалан, машҳур рассомлардан бири бўлган К. Брюлов ҳам академияда ўқиб юрган чоғида Веласкеснинг машҳур портретлардан ҳисобланган “Папа Иннокентий” асаридан нусха кўчирган. Масалан, у Веласкеснинг этюдидан камида етти марта, чолнинг бош қисмини йигирма мартача кўчириб чизган. Умуман олганда К. Брюлов катта холстга ишланган “Попейнинг сўнгги куни” асарини яратмаган бўлар эди, агарда у Рафаэлнинг “Афина мактаби” асаридан нусха кўчирмаганида. Рус рассомларидан Венициановнинг ўзи айтишича машҳур рассомларнинг асарларидан нусха кўчириб ўрганишга ўн икки йилини сарфлаган экан. А. Иванов, В. Серов, И.Е.Репин ва бошқа рассомлар ҳам нусха кўчириш билан шуғулланганлар ва бу борада ўзларининг фикр-мулоҳазаларини ҳам ёзиб қолдирганлар. Масалан А. Осроумов Лебедевнинг ёзиб қолдирган эсдаликларида “Мен Бадиий Академияга кирган дастлабки кунларимданоқ Эрмитаждаги асарлардан нусха кўчиришни бошлаганман... Бу мен томондан қилинган дадилликдир. Доимо ривожланиб борар эканман, Эрмитаждаги барча асарларни яратишдаги қийинчиликларни, такомиллашганлик жиҳатларини тушуна бошладим. Мен қанчалик кўп ўрганган бўлсам, такомиллашишнинг шунчалик қийин эканлигини англаб етдим... Мен ўзимча Рембранднинг “Супургили қиз” асарини қандай яратганлигини ҳис қилган ҳолда ишлаб кўришга жазм этдим”. Юқорида кўрсатиб ўтилган далилар асосида шуни қайд этиб ўтиш лозимки, бу борада бизнинг олий таълим даргоҳларида ана шундай ишлар олиб борилмоқда. Белгиланган тартиб бўйича Тошкентдаги тасвирий

санъат асарлари намойиш этилаётган кўрғазмалар, музейларда hozirda машхур рассомларнинг асарларидан нусха кўчираётган рассомларни учратиш мумкин. Демак, бу борада бизда ҳам маълум бир тартибга асосланган нусха кўчириш ишлари олиб борилаётганлигидан далолат беради. Қадимги рассомларнинг ишларидан кўчириладиган нусхалар хаваскор рассомларга куйидагиларни ўрганишлари ва ўзлаштиришларида муҳим аҳамиятга эга бўлади:

1. Хаваскор рассомлар нусха кўчирар эканлар, шу асар муаллифининг ишига ва ўзига нисбатан ҳурмати, ҳайрати ҳамда қойил қолганлигини ҳис эта боради.

2. Анъанавий ва қадимги рангасвир, қаламасвир ишлаш усуллари, методлари ўртасидаги боғлиқлик, самарали жиҳатлар ва камчиликларни, эришилган ютуқларни ўрганиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирадиган бўлиб бордилар.

3. Энг асосийси машхур рассомларнинг қандай ранг тусларидан фойдаланганликларини, ишлаш услубларини, мўйқаламни юргизиш маҳоратларини ўрганиб, ўзлаштиришга ҳаркат қиладилар.


4. Нусха кўчириш жараёнида ўзлари танлаган рассомларнинг иш фаолиятлари, нусха кўчириш учун танланган асар борасидаги тарихий далилларни ҳам ўрганадилар ва ўзларининг билим доираларини янада кенгайтирадилар.

5. Айниқса, бир тасвирий санъат асарини яратишдан олдин унга кўрилган тайёргарлик борасида ҳам керакли маълумотларни ўрганиб бордилар.

Машхур рассом ва ҳайкалтарош Микеланжело “кимда ким нусха кўчиришни эплэй олса, у расм ишлашни ҳам эплэйди...” деган эди. Бу ўз навбатида нусха кўчиришда ҳам ўзига хос талант, чидамлилиқ, сабр-бардошлиқ, уқув, малака, интизомлилиқ, юқори даражадаги қизиқиш ҳамда тасвирий санъат асарининг ўзига нисбатан ҳурмат-эҳтиромда бўлиш лозимлигини тақозо этади. Ҳақиқатдан ҳам машхур рассомлар томонидан яратилган тасвирий санъат асарларида тасвирланган манзаралар, натуюрмортлар ва шу кабилардан ҳайратланмасликнинг асло иложи йўқ. Шубҳасиз бундай асарлар ҳар қандай бўлажак рассом учун битмас-туганмас хазина, илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади. Бу жараёнда хаваскор рассом гўё ҳақиқий рассом бўлгандек ўзини ҳис этади. Айниқса, рассом томонидан яратилган асардаги воқеа-ҳодисаларнинг ҳаққонийлиги, аслига яқинлиги кишини ҳайратга солади. “Гўзал кўриниш олдида эмас, балки мен рассом бўламан деб картина олдида айтишади”-деган эди Огюст Ренуар.

Одатда бизнинг давримизда бадий таълим даргоҳларида Ленинграддаги И.Е. Репин номидаги институтнинг классик меросидан намуна сифатида фойдаланиб келинган. Бунда талабаларга ўтиладиган дастур мазмунига мос келадиган ўқув топшириқларига мос келадиган намуна асарлар борлиги, асос бўлиб хизмат қилган бўлса ажаб эмас. Бу ўз навбатида бадий Академиянинг қандай илмий салоҳиятга эга эканлигидан далолат беради. Олиб борилган тадқиқотлар ва кузатишлар асосида нусжа кўчиришнинг ўзига хос ташкилий қисмлари аниқланди. Буни биз қуйидаги жадвалдан қришимиз мумкин:

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, қадимги рассомларнинг ижоди ва



техникаларини ўрганиш талабаларнинг бадиий дунёқарашларини, маданиятларини, бадиий дидларини ўстиради. Турли туман рассомчилик мактабларининг ўзига хос техник услублари билан танишиш имконини ҳам яратади. Демак, талабаларнинг нусха кўчириш билан шуғулланишлари уларнинг касб маҳоратларини тушунган ҳолда тўғри эгаллашларида муҳим роль ўйнаётган экан. Бизнинг мамлакатимизда ҳам талабалар учун намуна бўлиб хизмат қиладиган кўплаб рассомларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Масалан: манзара жанрида Ў.Тансиқбоев, З. Иноғомов, Н.Қўзиёв, портрет жанрида эса А. Абдуллаев, Р. Чориев ва бошқалар, натюрморт жанрида эса лар шулар жумласидандир.

ХУЛОСА

Шуни унутмаслик лозимки, талабалар томонидан кўчириб ишланган тасвирий санъат асарларининг нусхалари ҳам фонд учун танлаб олинади. Келажакда бўлажак рассомлар ана шундай нусха кўчириш жараёнида орттирган иш тажрибаларидан ўзларининг ижодий фаолиятларида кенг миқёсда фойдаланадилар.

REFERENCES

1. Бобомуродов Зиёдилла Рустамович. (2022). ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАРИХИГА ОИД МАТЕРИАЛЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРА ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШ. *E Conference Zone*, 6–9. Retrieved from <https://econferencezone.org/index.php/ecz/article/view/905>
2. O'Neill, G. (2015). *Curriculum Design in Higher Education: Theory to Practice*, Dublin: UCD Teaching & Learning. ISBN 9781905254989 //www.ucd.ie - 189 б.
3. Albert Bandura, Richard Walters. *Teenage aggression. Studying of influence of education and family relations*. Publishing house: Eksmo-Press, April-Press ISBN: 5-04-004214-0 Year of the edition: -2000
4. Year of the edition: 2002 6. Abraham Harold Maslow. *Motivation and Personality*. Year of the edition: 2011
5. Prof. Dr. Thomas Deißinger, Dipl. Hdl. Silke Hellwig *Structures and functions of Competency-based Education and Training (CBET): a comparative perspective*. (University of Konstanz) ISBN 3-937235-49-3 second in December 2011 p 52.
6. Xasanova M. Z. *EFFICIENCY OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE TRAINING OF FUTURE TEACHERS OF FINE ARTS*. The way Of Science International scientific journal, № 4 (74), 2020 The journal is founded in 2014 (March) ISSN 2311-2158 pp-67-69.

7. Bobomurodov Ziyodullo Rustamovich, Bekmirov Sherzod Choriyevich Berdiyev Nurmon Ochilovich, Akhmedov Mukhomod-Umar Bakhriddinovich , Khasanova Munisa Ziyodulla kizi. PEDAGOGICAL CONDITIONS FOR THE FUTURE FINE ARTS TEACHERS' PREPARATION FOR THE LEADERSHIP OF THE SCHOOLCHILDREN ARTISTIC AND CREATIVE ACTIVITIES. European Journal of Molecular & Clinical Medicine ISSN 2515-8260 Volume 07, Issue 09, 2020.<https://ejmcm.com/>
8. Xasanova M. Z. INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE PREPARATION OF FUTURE TEACHERS OFFINE ARTS. International Journal of Academic Pedagogical Research (IJAPR)ISSN: 2643-9123. Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 86-87.
9. Bobomurodov Ziyodullo Rustamovich, Akhmedov Mukhommod-Umar Bakhriddinovich, KhasanovaMunisa. UNDERSTANDING COMPOSITION THROUGH WORK ANALYSIS. ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal)ISSN: 2249-7137 Vol. 11 Issue 1, January 2021.
10. Xasanova M. Z. КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ИННОВАЦИЙ В ВЫСШЕМ ХУДОЖЕСТВЕННОМ ОБРАЗОВАНИИ. Международная научно-практическая конференция «Современная наука. XXI век: научный, культурный, ИТ контекст» стр.270-275.
11. Xasanova M. Z. Kompozitsiya tasviriy san'atning o'quv predmeti sifatida. Kompozitsiya sxemalari (uchburchak, doira, ellipsvah.k.) to'g'risida. "Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг илмий-амалий тадқиқотлари" мавзусидаги конференция материалларининг 24-сон 2-қисм.
12. Akhmedov, M.-U., & Kholmatova, F. (2021). FORMATION OF CREATIVE PROCESSES IN STUDENTS THROUGH TEACHING COMPOSITION IN FINE ARTS. *Збірник наукових праць ЛОГОΣ*. <https://doi.org/10.36074/logos-09.04.2021.v2.03>
13. Ahmedov, M.-U., & Xolmatova, F. (2021). TEACHING STUDENTS TO DRAW ELEMENTS OF PATTERNS IN WOOD CARVING CIRCLES. *Збірник наукових праць ЛОГОΣ*. <https://doi.org/10.36074/logos-30.04.2021.v2.17>
14. Akhmedov Mukhomod-Umar Bakhriddinovich. (2022). THE IMPORTANCE OF FOLK APPLIED ART IN THE FORMATION OF YOUTH CREATIVE ACTIVITY. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS*, 3(02), 142–156. <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-03-02-23>

15. Jabbarov, R., & Rasulov, M. (2021). FURTHER FORMATION OF STUDENTS' CREATIVE ABILITIES BY DRAWING LANDSCAPES IN PAINTING. *Збірник наукових праць ЛОГОΣ*. <https://doi.org/10.36074/logos-30.04.2021.v2.09>
16. Jabbarov, R. (2019). Formation of Fine Art Skills by Teaching Students the Basics of Composition in Miniature Lessons. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 17(1), 285-288. doi:<http://dx.doi.org/10.52155/ijpsat.v17.1.1424>
17. Jabbarov, R. (2021). Sharq uyg'onish davri yetuk san'atkori buyuk miniatyurachi musavvir Kamoliddin Behzod ijodi ta'sirida yuzaga kelgan o'ziga xos yo'nalish. *Жамият ва инновациялар*, 2(5/S), 59–67. <https://doi.org/10.54274/2181-1415-vol2-iss5/S-pp59-67>
18. Хасанова, М. (2021). Олий педагогик таълимда “Композиция” фани мазмунини такомиллаштиришда тарихий манбалардан фойдаланиш. *Общество и инновации*, 2(5/S), 112-118.
19. Akhmedov Mukhomod-Umar Bakhridinovich. (2022). THE IMPORTANCE OF FOLK APPLIED ART IN THE FORMATION OF YOUTH CREATIVE ACTIVITY. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS*, 3(02), 142–156. <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-03-02-23>
20. Maxkamova, S., & Jabbarov, R. (2022). Axborot – kommunikatsion texnologiyalaridan foydalanib tasviriy san'at ta'limi samaradorligini oshirish metodikasi. *Zamonaviy Innovatsion Tadqiqotlarning Dolzarb Muammolari Va Rivojlanish Tendensiyalari: Yechimlar Va Istiqbollar*, 1(1), 27–29. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/zitdmrt/article/view/5097>
21. Muslimov Narzulla Alikhanovich, Urazova Marina Batyrovna, Muslimov Sherzod Narzulla ugli. (2020). DEVELOPMENT OF DESIGN TECHNOLOGY FOR FUTURE VOCATIONAL EDUCATION TEACHERS, MODEL OF TRAINING AND BASIC INDICATORS OF DISSERTATION. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/ Egyptology*, 17(7), 10534-10551. Retrieved from <https://www.archives.palarch.nl/index.php/jae/article/view/4088>
22. Халимов, М. К. Сравнение продуктивности учебной доски и проектора в преподавании предметов, входящих в цикл инженерной графики / М. К. Халимов, Р. Р. Жабборов, Б. Х. Абдуханов, А. А. Мансуров. — Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2018. — № 6 (192). — С. 203-205. — URL: <https://moluch.ru/archive/192/48066/>
23. Ozodovich, A. A. (2021). The Use Of Tasks That Create A Tendency To The Problems Of Making Typical Mistakes In The Possession Of Graphic Literacy. *The*

American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(06), 99–103.
<https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume03Issue06-16>

24. Rustam Ravshanovich, J. (2021). Formation of Creative Abilities of Students by Teaching the Genre "Landscape" of Fine Arts. *Spanish Journal of Society and Sustainability*, 1, 1-8. Retrieved from <http://sjss.indexedresearch.org/index.php/sjss/article/view/1>

25. Abdurashidxonova, M., & Rasulov, M. (2021). Ташкентская школа резьбы по дереву и представители узбекского народного прикладного искусства. *Общество и инновации*, 2(5/S), 130–137.
<https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss5/S-pp130-137>

26. Murad Absamatovich Rasulov (2022). O‘ZBEK XALQ AMALIY SAN’ATINI TASHKIL TOPISHI VA TARIXIY RIVOJLANISH BOSQICHLARI. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2 (5), 319-329.
<https://cyberleninka.ru/article/n/o-zbek-xalq-amaliy-san-atini-tashkil-topishi-va-tarixiy-rivojlanish-bosqichlari>